



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ЗАРУРАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳакимов А.

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси

Таянч сўзлар: давлат-хусусий шериклик, принциплар, механизм, давлат сектори, бозор механизми, тамойиллар, инвестициялар, ресурслар.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, принципы, механизм, государственный сектор, рыночный механизм, принципы, инвестиции, ресурсы.

Key words: public-private partnership, principles, mechanism, public sector, market mechanism, principles, investments, resources.

Юртимизда сўнгги йиллар давомида тўпланган халқаро ва маҳаллий тажриба шундан далолат бермоқдаки, давлат-хусусий шериклик иқтисодий ривожланиш учун фойдаланилмаган захираларни жалб қилиш ва ресурс базаларини кенгайтириш, давлат ва жамоатчилик мулкани бошқаришни самарадорлигини янада ошириш, давлат секторига қўшимча янги ресурсларни жалб этиш, бюджетнинг тақчиллиги каби муаммолар кескинлигини камайтириш, давлат бошқаруви салоҳияти ва хўжалик юритишдаги хусусий тамойиллар, инвестициялар, ресурслар, инновацияларни бирлаштириш имконини берувчи асосий механизмларидан бири ҳисобланади.

Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- давлат ҳамда хусусий шерикларнинг қонун олдида тенглиги;
- давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги белгиланган қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффоф бўлиши;
- хусусий шерикларни танлашдаги баҳслашув ва холислик;
- томонларнинг камситилишига йўл қўймаслик;
- коррупцияга йўл қўймаслик.

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш:

У.И.Джуманиязов фикрича бугунги кунда давлат-хусусий шериклик соҳаси ривожланган мамлакатларда муваффақиятли қўлланилаётган ва ишбилармонлик муҳитини, кичик бизнес ва хусусий секторни янада кенг ривожлантиришда муҳим аҳамиятли истикболда Ўзбекистон Республикасида қўллаш учун зарур таъсирчан механизм ҳисобланади [2].

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, технологик ривожланиш ҳамда иқтисодиётни рақамлаштириш шароити -мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш масаласини янада долзарб эканлигидан далолат бермоқда. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашни инвестицияларсиз тасаввур қилиш қийин.

Бозор механизми элементларининг фаол ишлаши эса давлат ва хусусий сектор ўртасида янги иқтисодий муносабатларни шакллантирди. Бу иқтисодий муносабатларнинг ривожланган давлатлар амалиётидаги хусусиятларидан бири -давлат ва хусусий секторнинг шерикчилик муносабатларидан иборат. Жамоат хизматлари ва инфраструктурага талабни ошиши натижасида бу соҳадаги лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетида маблағларнинг чегараланганлиги сабабли давлат ёки ҳукумат кафолати остидаги ҳамда тўғридан тўғри чет эл инвестицияларини ва халқаро молиявий инситутларни жалб қилиш самарали йўл ҳисобланади, лекин бу турдаги инвестициялар ўз навбатида давлат ташқи карзи ҳажмини ошишига олиб келиб мамлакатнинг халқаро ҳамкорлик фаолиятига салбий тасир кўрсатиши муқаррар. Шу сабабли катта ҳажмдаги маблағ талаб қиладиган бундай лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик(кейинги ўринлардаДХШ) асосида амалга оширишга эҳтиёж туғилади.

Хорижий мамлакатларда давлат-хусусий шериклик табиатининг умумий қабул қилинган талқини мавжуд эмас. Давлат-хусусий шериклик тушунчасига турли мамлакатлар томонидан турли хил таърифлар берилган.

Масалан, Америка Қўшма Штатларида давлат-хусусий шерикликка - давлат ва хусусий корхоналар ўртасида давлатнинг мулкида иштирок этишга имкон туғдирадиган шартнома деб тушунилади. Бундай келишув давлат вакили ва хусусий корхона вакили ўртасида шартнома имзоланганини назарда тутаяди, ҳамда шартноманинг предмети давлатга тегишли



объектни реконструкция қилиш, қуриш ва ёки жорий таъмирлаш, бошқариш ва бошқалар ҳисобланади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари эса давлат-хусусий шерикликка қуйидагича ўз таърифларни беради. Масалан Буюк Британияда давлат-хусусий шериклик муносабатлари кенг тарқалган бўлиб, давлат-хусусий шериклик – бу, юқори сифатли ва рақобатдош давлат хизматлари кўрсатишнинг асосий элементи дея талқин этилади [3].

Давлат-хусусий шериклик ўзининг бой тарихига эга. Францияда консессия келишуви бўйича каналнинг биринчи қурилиши 1552 йилга бориб тақалади. Британияда XVII-XVIII асрларда Ҳиндистон ва бошқа колонияларни бошқариш билан шуғулланган таниқли Шарқий Ҳиндистон компаниясига давлат имтиёзлари - консессия берилган. XIX-XX асрлар охирида, жадал қурилиш даврида темир йўллар ва пўлат саноати ривожланиши, кўплаб мамлакатларда, консессия шартномаси моделидан фаол фойдаланилган. Эйфел минораси ҳам шундай шартнома асосида қурилган.

Россиялик олимлар В.Г.Варнаровский, А.В.Клименко, В.А.Королев лар асарида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, давлат ва тадбиркорлик ўртасида ҳамкорлик шакллари амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилиш манбалари, давлат ва жамоатчилик мулки объектлари билан боғлиқ йўналишлари ўрганилган [4].

Соҳага хусусий секторни кенг киритиш, соҳани янада тезроқ модернизация қилиш, ижтимоий инфратузилма (мактабгача таълим ташкилотлари) объектларини ривожлантириш, аҳолига ижтимоий аҳамиятга эга (таълим, йўл, тиббиёт ҳамда бошқа соҳалар) хизматлар кўрсатиш давлат-хусусий шерикликнинг институтини амалга ошириш борасида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини кенгайтириш имконини беради, ҳамда, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги бошқарувнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” ЎРҚ-537-сонли Қонуни.
2. У.И.Джуманиязов. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш омиллари. Ziyo.uz
3. Report to Congress on Public-Private Partnerships. Wash, 2004 / <https://financecommission.dot.gov>



4. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. – М.: ГУ-ВШЭ, 2010.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада мактабагача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик лойихаларининг зарурияти ва хорижий тадбирлар ўрганилган ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается необходимость проектов государственно-частного партнерства и зарубежной деятельности в сфере дошкольного образования, а также описаны основные принципы государственно-частного партнерства.

SUMMARY

This article discusses the need for public-private partnership projects and foreign activities in the field of preschool education, and also describes the basic principles of public-private partnership.